



## ТАЪЛИМДА АДАБИЁТ ФАНИНИ ОНА ТИЛИ БИЛАН БОҒЛАБ ЎҚИТИШ

*Неъматова Нигора Исломовна*

*Денов туман 3-сонли АФЧЎСМ умумий ўрта таълим мактаби она тили  
ва адабиёт фани ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада таълим тизимида адабиёт фанини она тили билан боғлаб ўқитиш, яъни интеграция жараёни ҳақида ҳамда она тили ва адабиёт дарсларини ўқитишда интегратив ёндашувнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** интеграция, интегратив ёндашув, метод, тадқиқот, фанлараро ўзаро боғлиқлик, янги технологиялар.

**Аннотация:** В статье говорится о процессе интеграции преподавания литературы с родным языком в системе образования и о важности интегративного подхода на уроках родного языка и литературы.

**Ключевые слова:** интеграция, интегративный подход, метод, исследование, взаимозависимость дисциплин, новые технологии.

**Abstract:** The article talks about the process of integrating the teaching of literature with the native language in the education system and the importance of an integrative approach in the lessons of the native language and literature.

**Key words:** integration, integrative approach, method, research, interdependence of disciplines, new technologies.

Бугунги кунда таълим соҳасига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида таълимнинг бирламчи иштирокчилари бўлган ўқитувчиларга янада катта масъулият юклайди. Чунки бугунги кун ўқитувчиси ҳар соҳада етук ва билимдон бўлмоғи шарт ва зарурдир. Ўқитувчи ўқувчиларга фанга доир етарли билимларни бериш, фанга бўлган қизиқишини ошириш билан биргаликда уларнинг тасаввурида фанларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини, бири иккинчисини тақозо этиши тўғрисидаги муайян тушунчани ҳосил қилиши зарур. Бу каби масалаларда фанларни бир бири билан боғлаб ўқитиш, яъни интегратсиянинг – фанлараро алоқадорликнинг ўрни жуда муҳимдир.



Бу борада айниқча, адабиёт фанини она тили билан боғлаб ўқитиш ва дарсларини ташкил этишда интегратив ёндашувдан кенг фойдаланиш – ўқувчиларнинг фанга доир билимларини пухта ўзлаштиришида етакчи самара беради.

Кейинги йилларда таълимда фанларни ўзаро боғлаб ўқитиш, яъни фанларни ўргатишда интегратив ёндашув жараёнларини тадқиқ қилишда кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, она тили ва адабиёт дарсларини интегратив ўқитишнинг самарадорлиги ва бу жараёнга хос таълим методларини ишлаб чиқиш каби масалалар кўндаланг қўйилган. Хусусан, А.Ғуломов, Ҳ.Неъматов, Б.Зиёмухаммадов, Б.Абдуллаева сингари олимларнинг ишларида фанларни ўзаро боғлаб ўқитиш, аниқроғи фанлараро интегратсиянинг адабиёт ва она тили таълимидаги ўрни хусусида қимматли фикрлар учрайди. Тил таълимида интегратив ёндашув хусусида У.Мусаев, Д.Йўлдошева каби педагогларларнинг илмий изланишларидан ҳам маълумотлар олиш мумкин. Жумладан, К.Мавлонованинг “Она тили дарсларини адабиёт дарслари билан бадиий матн орқали интегратсиялаш масалалари” бўйича олиб борган изланишлари ҳам алоҳида аҳамият эга.

Келинг, шу ўринда фанларни ўзаро боғлаб ўқитиш тизими бўлмиш “интеграция” тушунчасига таъриф бериб ўтсак. “Интеграция” – айрим бўлақларнинг ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши, бир бутунга айланиши, яхлитланишидир. Шунини ҳам алоҳида айтиш керакки, “интеграция” тушунчаси XVIII асрдаёқ Спенсер исмли олим томонидан изоҳланган эди. Интегратсияни тафаккур ўстириш омили сифатида қараб, уни фанлараро алоқа ва таълим шакллари синтезлаш тарзида талқин этиш мумкин.

Маълумки, ўқув фанлари миқдорини ошириш, албатта, ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Чунки бугунги замонавий технология сон орқасидан қувиш эмас, балки сифат ўзгаришларининг ҳам бўлишини тақозо этмоқда. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ҳам эътиборга моликдир. Чунки улар аллақачон ўз таълим тизимида фанларни ўзаро боғлаб ўқитиш тизими олиб кирган ва интегратив фанларни жорий қилиб улгурган. Ушбу тизимни жорий қилган давлатлар қаторига Буюк Британия, Корея, Швейцария, Венгрия, АҚШ, Россия ва



бошқалар киради. Бугунги кунда бизнинг таълим тизимимизга ҳам интеграциялашиш, яъни фанларни ўзаро боғлаб ўқитиш жараёни кириб келмоқда. Интеграция – “бутун” деган маънони билдиради, демак, бу тафаккур ўсиши жараёнининг турли қисм ва элементларини битта бутунга бирлаштиришдир. Бу эса, таълимда фанлараро алоқадорликни, фанларни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўқитишни кўрсатади.

Мисол учун, таълим тизимида она тили дарсларини олиб боришда бу фанни бевосита адабиёт билан боғлаб ўқитиш яхши натижа беради. Масалан, 5-синф она тили дарслигини олайлик. Ушбу дарсликда “Лексикология” бўлимини ўрганиш учун 39 соат ажратилган. Бу бўлим ва ундаги мавзуларни адабиёт фанига боғлаган ҳолда бадиий асарлар, ҳикматли сўз ва мақоллар, шеърлар орқали таҳлил этилса, бу ҳам таълимий, ҳам тарбиявий моҳият касб этади. Қуйидаги 6-синф адабиёт дарслигидан олинган парча Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясидан олинган бўлиб, ўқувчилар парчада ажратиб кўрсатилган сўзларни таҳлил қилиш орқали, ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини, салбий ва ижобийлик хусусиятини фарқлаб, бадиий асарни янада теранроқ англаб этади. “Зикна бўлмай, ўл! – деб ўйлади хотинини сўкиб, – азалдан қурумсоқ эди, замон оғирлашгандан буён баттар бўлди”.

Умумий ўрта таълим босқичларида, мавзулар оддийдан мураккабга томон ўсиб боради. Масалан, 9-синфда ўқувчилар она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларини, услубларини билишлари, шу орқали ўз нутқ маданиятини ривожлантиришда бажариладиган иш турларидан бири ундан бирор тил ҳодисаси ёки услубини аниқлаш ва изоҳлаш, нутқ услубларини бир-биридан фарқлай олишлари керак бўлади. Бунинг учун ўқитувчидан назарий билимларни етказиб бериш ва уларни амалда қўллай олиш учун ўқувчиларда етарли кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш талаб этилади. Бунда дастлаб ўқитувчи нутқ услублари ҳақида умумий маълумот беради ва ўқувчиларга керакли манбаларни ёздириб ўтади. Янги мавзу баёнидан сўнг ўқитувчи мавзунини бевосита бошқа фанлар билан боғлайди. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчилар кўлига ҳар хил турдаги матнлар акс этган тарқатма материалларни тарқатади. Бу билан ўқитувчи дарснинг қизиқарли ўтиши ва шу билан бир каторда ўқувчининг фаол бўлишига имкон яратади.



Масалан, қуйидаги материаллардан фойдаланишимиз мумкин:

– Яхши ҳам бошқа болалар билишмади, деди Гулчеҳра хўрсиниб, – билишганда, биттаси эмас, биттаси айтиб қўярди.

– Ҳа, рози бўлди Абдулла, роса тўполон бўларди.

– Мен амакидан қўрқаман. Кўзи ёмон.

Гулчеҳра Дадавой амакининг кўзларини кўрсатмоқчи бўлиб олайди, ўхшата олмади. Абдулла кулиб юборди.

(Ў.Умарбеков. «Одам бўлиш қийин» асаридан)

Қаландаровнинг ҳовлиси каттагина экан. Бир томонда унча дид билан солинмаган бўлса ҳам, каттагина иморат, циркор айвон: унинг рўпарасида ҳовуз, чоғроқ шийпон, сим тортиб кўтарилган ток, боғча, полиз... лекин буларнинг ҳаммаси ҳовли эгасининг ҳаваси зўру, ҳафсала ва диди йўқлигини кўрсатиб турар эди: токнинг бир неча новдаси симга ўз ҳолича тирмашибдию, қолгани ерда ётибди; мева дарахтларининг остини, полизини шўра ва гунай босиб кетибди.

(Абдулла Қаҳҳор, «Синчалак» )

Ёмғир – суюқ томчи ҳолидаги атмосфера ёгини. Томчининг диаметри 0,5-0,6мм бўлади. Ёмғир булутлардаги майда сув зарраларининг қўшилиб йириклашувидан ҳосил бўлади. Ёмғир икки хилдир: жала ёмғир, шивалама ёмғир. Жала ёмғир тўп-тўп булутлардан ёғади, кўп вақт ўтмай тўхтамайди, томчилари йирик бўлади.

(Дарсликдан)

Матнлардан кўриниб турибдики, ўқитувчи ҳар бир услубни ўқувчига тушунтиришда интегратив ёндашади. Ўқувчилар қўлидаги матнлар жамланмасини ўқитувчи билан биргаликда кузатиб боради ва бу унинг кўз ўнгида қолишига ёрдам беради. Ўқитувчи тушунтиришни бошлайди:

➤ биринчи матн, бадиий асардан олинган бўлиб, у сўзлашув услубига хослигини ва шу услубга хос белгиларни кўрсатиб ўтади.

➤ иккинчи матнда бадиий услуб иштирок этганини ва бу услубни ёритиш учун бадиий асарга юзланганини айтади.

➤ учинчи матнда ўқитувчи илмий услубни ўрганиш учун физика фанига мурожаат этганлигини айтиб ўтади ва илмий услубни яна бир бор такрорлаб ўтади.

Ўқитувчини бу усул, яни услубият мавзусини бошқа предметларга мурожаат этиш



йўли билан тушунтириши ўқувчиларнинг янги мавзуни тез ва осон ўрганишини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, она тили дарсларини адабиёт билан уйғунликда олиб бориш, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дунёқарашини янада бойитади. Она тилида дарсларида янги мавзуни тушунтиришда адабиёт дарслигида берилган ҳикоя, шеър, мақол, ҳикматли сўзлар ва бадиий асарлардан мисоллар келтириб, фанларни ўзаро боғлаган ҳолда, дарсни интегратив тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу кейинчалик уларнинг илмий салоҳиятини янада оширишга, олий таълимда таҳлил юзасидан билим, кўникма, малакаларга эга бўлиб, тил бўйича назарий маълумотларини мустаҳкамлаб боришда ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мавлонова, К. (2016). Она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси. Машхур-пресс.
2. Мусаев, У. (2002). Интеграция даражалари. Халқ таълими - № 6.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (1981). М.: Русский язык.
4. Жокхонгировна, К. Н. (2020). The period of national awakening in uzbek poetry echo of the treasure voice of the nation. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(6), 4045-4054.
5. Холиқова Н. (2020). 9-синф адабиёт дарсида ширин образини генезисига кўра ўрганиш. *Science and Education*, 1(Special Issue 2).
6. Холиқова Н. (2020). Poetic features of uzbek poetry of the national awakening period. *Theoretical & Applied Science*, (4), 615-623.